ТАШАККУР, МИРИШКОР ПИЛЛАЧИЛАР!

● Областимиз пилла тайёрлаш планини бажарди.

● ВАТАНГА 13 МИНГ ЦЕНТНЕРДАН ОРТИҚ ПИЛЛА ТОПШИРИЛДИ.

ТОШКЕНТ ПИЛЛАСИ

КПСС XXIII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашаётган, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида умумхалқ мусобақасига қўшилиб астойдил ишлаётган областимиз пиллачилари юбилей йилининг дастлабки катта ғалабасини қўлга киритдилар. Пойтахт областимиз давлатга пилла сотиш йиллик планини қисқа фурсатда ва муддатидан илгари ортиғи билан бажарди. Она-Ватан омборларига пландаги 13 минг центнер ўрнига 13 минг 45 центнердан кўпроқ аъло сифатли пилла етказиб берилди.

Областимизнинг юбилей йилидаги бу дастлабки катта ғалабасида айниқса Бекобод, Оққўрғон, Калинин, Янгийўл районлари пиллачиларининг ҳиссаси салмоқлидир. Ҳозиргача Калинин районининг пиллачилари планга қўшимча равишда 221 центнер, янгийўлликлар қарийб 200 центнер, оққўрғонликлар 184 центнер, бекободликлар 162 центнер пилла топширишга муваффақ бўлдилар. Ўрта Чирчиқ, Бўка, Оржоникидзе ва Юқори Чирчиқ районларининг пиллачилари ҳам йиллик планни бажариш арафасида турибдилар.

Давлатга пилла топшириш қизғин давом эттирилмоқда. Областимиз пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, мамлакатга пландан ташқари яна қўшимча равишда камида 500 центнер пилла етказиб беришга ва Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйини тағин ҳам каттароқ тўёна билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 110 (3592). | Якшанба, 4 июнь 1967 йил | Баҳоси 2 тийин.



Областимизда пилла тайёрлаш планининг бажарилишига кўплар қатори Калинин районидаги Навоий номли колхоз пиллачилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар тайёрлов пунктига 9000 килограммга яқин аъло сифатли «кумуш тола» топширдилар. Колхозда пилла топшириш давом эттириляпти. Суратда: Калинин район пиллахонасида Навоий номли колхоз миришкорлари меҳнати билан бунёдга келган ипак хирмонини кўриб турибсиз.

МЕНИНГ ТЎЁНАМ

Тўйга тўёна билан боришга одатланганмиз. Бу йил кузакда севимли мамлакатимизда жуда катта тўй — Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйи бўлади. Шу тўйга катта тўёналар ҳозирлаш учун бутун совет кишилари жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Мен ҳам ана шу умумхалқ ҳаракатидан четда қолмай, ёшим бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, она-юртга кўплаб пилла етказиб бериш ишига қўлимдан келганча кўмаклашаяпман.

Пиллачилик касбида ишлай бошлаганимга бир талай йиллар бўлди. Ҳар йили ҳам топшириқни бир ярим-икки ҳисса ортиғи билан адо этиб келяпман. Бултур бир қути ипак қурти боқиб 95 килограмм пилла олган эдим. Юртимизнинг катта тўйига муносиб тўёна тайёрлаш ниятида бу йил бир қути ипак қуртидан пландаги 55 килограмм ўрнига 100 килограмм пилла олиб бераман, деб ваъда қилган эдим.

Бутун қурт боқиш мавсумида кеча-ю кундуз тиним билмадим. Ахир қурт боқиш осон иш эмас. Ипак қуртлари жуда нозик бўлади. Сал қаровсиз қолдирсангиз, нобуд бўлиши ҳеч гап эмас. Буни мен кўп йиллик тажрибамдан яхши биламан. Салкам бир ойлик бетиним ҳаракатим қувончли ютуқларни бошлаб келди. Пунктга пландаги 55 килограмм ўрнига 110 килограмм пилла олиб бориб топширдим ва планни роппа-роса икки баравар ошириб бажардим. Бу — Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйига менинг тўёнамдир.

Т. САТТОРОВА,
Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхоз пиллачиси.

ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛДИ

Бизнинг совхозимиз Калинин районининг йирик сабзавотчилик хўжаликларидан биридир. Бизда сабзавотчилик билан бир қаторда пиллачилик ҳам йил сайин ривожлантирилмоқда. Юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам катта марраларни эгаллашга бел боғлаган пиллачиларимиз бугунги кунга келиб қувончли зафарларга эришдилар. Совхозимизда пилла тайёрлаш плани 27 майдаёқ бажарилган эди. Шундан кейин ҳам давлатга пилла топширишни қизғин давом эттириб келяпмиз. Ҳозиргача пландаги 7 минг килограмм, социалистик мажбуриятимиздаги 7200 килограмм ўрнига қарийб 8200 килограмм аъло сифатли пилла топширдик. Бу — ўтган йилдагига қараганда салкам 2 минг килограмм кўп демакдир. Совхоз бўйича ҳар қути ипак қуртидан пландагига нисбатан 10 килограмм кўп ҳосил олинди.

Бу ютуққа эришишда совхозимизнинг айниқса, биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи бўлимларининг меҳнаткашлари фидокорлик кўрсатиб ишладилар. Пенсионер отахон ва онахонларимиздан Салима Ашурова, Муллабой Умрзоқов, Раҳмон Шапиев ўртоқлар ҳар қути ипак қуртидан 100—120 килограммдан ҳосил олишди. Бизда юбилей йилини катта ютуқлар билан якунлаш мақсадида умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб астойдил ишлаётган пешқадам пиллачилар кўп. Р. Бобожонова, У. Абдураззоқова, З. Ўтанова, Ж. Бойзоқова. Ҳ. Тешабоева, Г. Юсупова, М. Исроилова, М. Набибоева, М. Мавлонова, М. Шоғдарова, Ж. Қолимбетова, Т. Беккулова. Қ. Эсергепова, Қ. Солиҳова сингари ўнлаб илғор пиллачиларимиз ўз баракали хирмонлари билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳали қуртхоналаримизда ҳосил кўп. Совхозимиз пиллачилари пландан ташқари яна анча, пилла топширадилар.

С. ПЎЛАТОВ,
Калинин районидаги «Тошкент» совхозининг старший агрономи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 3 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери
БЕКОБОД	0,5	115,5
ОҚҚЎРҒОН	1,0	113,7
КАЛИНИН	0,4	110,8
ЯНГИЙЎЛ	0,6	110,0
Ўрта Чирчиқ	5,2	98,1
Бўка	3,5	94,0
Оржоникидзе	4,5	82,8
Юқори Чирчиқ	13,8	78,6
Область бўйича	3,8	100,4

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ

Севимли элимизни шойи-атласга буркантиришдек шарафли ва масъулиятли вазифа шонли пиллачилар зиммасига юкланган. Улар ўз касбларини улуғлаб, илғор иш тажрибаларини ўзлаштириб, пиллачиликка прогрессив агротехника усулларини жорий этиб, мамлакатга йилдан-йилга кўпроқ пилла етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Сурункасига икки йил планнинг бажарилмай қолиши областимиз пиллачиларининг юзини ерга қаратди. Хўш, бунинг сабаби нималардан иборат эди. Нега пилладан кам ҳосил олинди? Текширишлар, таҳлиллар шуни кўрсатдики, ҳали пиллачилик соҳасига жуда кўп янгиликлар киритиш зарур экан.

Биз мутахассислар билан ҳамкорликда пиллачиликни ривожлантиришнинг йўл-йўриқларини излайбошладик, амалий тадбирлар белгилаб чиқдик, Кейин ана шу тадбирларни қатъиятлик билан амалга оширишга жиддий эътибор берабошладик.

Пиллачилик соҳасининг ўзига хос хусусияти асосан шундаки, узоги билан бир ойга чўзиладиган долзарб қурт боқиш мавсумида ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш ҳар бир ишни ўз вақтида ва ўз меёрида бажариш ниҳоятда зарур. Ўтган йиллари йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, бу йилги мавсумга анча барвақт пухта тайёргарлик кўрдик. Маълумки, ҳар бир ишнинг муваффақияти кадрларга боғлиқ. Кадрлар пухта билим ва тажрибага эга бўлса, ҳар қандай мушкул иш ҳам кўнгилдагидек бажарилади. Областда пиллачиларни ўқитиш иши яхши йўлга қўйилди. Ҳар бир районда махсус пиллачилик курслари ташкил этилди. Натижада бу йилги қурт боқиш мавсуми олдидан область бўйича 8500 қурт боқувчи, 450 агротехник. 126 агроном ана шу курсларда ўқитилди.

Барча хўжаликларда ипак қуртларини жадал усулда боқиш учун қулай шарт-шароитлар туғдирилди. Колхоз-совхозларга илгари мавжудларига қўшимча равишда 32 мингта темир этажерка, 18 мингта термометр, 4500 та психрометр ва бошқа зарур асбоб-анжомлар етказиб берилди.

Қуртхоналарда нормал ҳароратни вужудга келтириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, бу йил ҳаво анча паст келди. Бундай ноқулай шароитда пиллачиларимиз олдида жуда катта қийинчиликлар турарди. Лекин улар бўш келишмади. Табиат нзжиқликларини қатъиятлик билан енгишди. Областимиздаги қуртхоналарга 24500 та печка қурилди, зарур миқдорда ёқилғи билан таъминланди. Шундай қилиб, ҳаво ҳарорати паст келган бир шароитда қуртларни агротехника қоидалари асосида боқишга, касалликларга чалинтирмасликка баракали пилла ҳосили етиштиришга муваффақ бўлинди. Ипак қуртларини жадал усулда боқишга алоҳида эътибор берилганлиги натижасида мавсум 24 кун деганда тугалланди.

Областимиз бўйича давлатга пилла сотиш плани 12 кун ичида шараф билан бажарилди. Бу ҳали областимиз пиллачилиги тарихида мисли кўрилмаган натижадир.

Партия ва ҳукуматимизнинг моддий манфаатдорликни ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, бу йил пиллачиларнинг меҳнатига тўғридан-тўғри пул билан ҳақ тўлаш тартибига ўтилди. Бу тартибга кўра колхоз раиси бевосита қурт боқувчи билан шартнома тузади. Шартномада агар пиллачи берилган планчи бажарса, шу ҳосилдан келадиган даромаднинг 80 проценти; агар ортиғи билан бажарилса, планга қўшимча равишда топширган маҳсулоти баҳосининг 90 проценти унга берилиши кўрсатилади.

Бу тартибнинг афзаллиги қандай эканлигини аниқ кўрсатиш учун бир мисол келтирмоқчиман. Оржоникидзе районидаги Киров номли колхознинг пиллачиси Карима Муталова бу йил 3 қути ипак қурти боқди. У план бўйича ҳар қутидан 55 килограммдан, жами 165 килограмм пилла топшириши керак эди. Ҳар бир килограмм пилласининг баҳоси ўртача 3 сўм 50 тийиндан бўлса, ҳаммаси 557 сўм 50 тийин бўлади. Шартномага кўра ана шунинг 80 проценти, яъни 460 сўм унга берилади. Ўртоқ К. Муталова ҳар қутидан 55 килограмм ўрнига 100 килограммдан ҳосил олишга муваффақ бўлди. Давлатга пландан ташқари 135 килограмм пилла етказиб берди. Бунинг баҳоси 472 сўм 50 тийин бўлади. Шартномага кўра ана шунинг 90 проценти, яъни 425 сўм 25 тийинни унга берилади. Ўртоқ Муталова бу йилги мавсумдаги меҳнатига ҳаммаси бўлиб 885 сўм 25 тийин ҳақ олади.

Областимизда пилла тайёрлашнинг қисқа муддатда ва ошириб бажарилишида ана шу моддий манфаатдорлик принципи муҳим роль ўйнади.

Калинин районининг пиллачилари кўпгина тутзорлар шаҳар қурилиши ихтиёрига ўтиб кетганлигига қарамасдан, фидокорона меҳнат қилиб, планни областда биринчи бўлиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Райондаги колхоз ва совхозлардан тайёрлов пунктларига 2250 центнер юқори сифатли пилла етказиб берилди. Ленин номли, Ильич номли, Навоий номли, Оржоникидзе номли, генерал Раҳимов номли колхозлар, «Келес», «Назарбек» совхозлари ва бошқа илғор хўжаликларнинг меҳнаткашлари пиллачиликда жуда яхши натижаларга эришдилар.

Бекобод, Оққўрғон ва Янгийўл районларининг пиллачилари ҳам бирин-кетин ғалаба рапорти бердилар. Бекободдаги Навоий номли, Ленин номли, «Коммунизм», Оққўрғондаги К. Маркс номли, Охунбобоев номли, «Коммунизм», «Ленинград», Куйбишев номли, Янгийўлдаги Фрунзе номли, Н. Ниёзов номли Ҳ. Турсунқулов номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги», Ўрта Чирчиқдаги Терешкова номли, «Ленин йўли», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», «Қизил ту», Жданов номли, Бўка районидаги «Ленинобод», «Партия XX съезди» колхозлари ва бир қанча илғор совхозларнинг меҳнаткашлари пилладан баракали хирмон кўтариб, йиллик топшириқни 110—115 процент ва ундан ҳам ошириб бажаришга эришдилар.

Областимизда давлатга пилла топшириш қизғин давом эттириляпти. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлаган пиллачиларимиз давлатга планга қўшимча равишда яна кам деганда 500 центнер юқори сифатли пилла етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Шак-шубҳа йўқки, бу мажбурият ҳам бажарилади.

А. АЛИМОВ,
область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи.

САФАР ТУГАДИ

КОБУЛ, 3 июнь (ТАСС). Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳиршоҳнинг таклифига биноан бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний Афғонистонга қилган расмий визитини тугаллаб бугун Ватанига жўнаб кетди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний шу куни Тошкентга келди. Аэродромда уни республика партия, ҳукумат раҳбарлари ва жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

ЮБИЛЕЙ йилида Калинин районидаги Ленин номли колхоз пиллачилари жуда яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўртоқ Тўхта Рихсиева раҳбарлик қилаётган пиллачилик бригадасининг аъзолари бу йилги мавсумда 120 қути ипак қурти боқиб, давлатга пландаги 6500 килограмм ўрнига ҳозирнинг ўзидаёқ 6900 килограммдан ортиқ юқори сифатли пилла топширишга муваффақ бўлишди. Ҳали бригада қуртхоналарида ҳосил кўп. Пиллачилар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига қўшимча равишда яна 800 килограмм «кумуш тола» топширишга сўз беришди. Суратда: Калинин район пиллахонасининг лаборантка лари Санобар Бобожонова ва Хатира Орипова ўртоқлар Ленин номли колхоздан келтирилган пиллаларнинг сифатини текширишмоқда.

Х. Ҳайитмуҳамедов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН XIV СПАРТАКИАДАСИ ВА СПОРТНИНГ ТЕХНИКА ТУРЛАРИ ЮЗАСИДАН IV РЕСПУБЛИКА СПАРТАКИАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети спартакиадалар қатнашувчиларини ҳамда Сизлар орқали республикамиздаги барча физкультурачилар ва спортчиларни катта спорт байрами — Ўзбекистон XIV спартакиадаси ва спортнинг техника турлари бўйича IV республика спартакиадасининг очилиши билан қизғин табриклайдилар.

Спартакиадалар КПСС XXIII съездининг тарихий қарорлари ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик туфайли совет халқининг сиёсий руҳи жуда кўтарилган ва меҳнат ғайрати ошган бир вазиятда ўтаяпти.

Ўзбекистон спортчилари бутун совет халқи билан биргаликда совет давлатининг шонли юбилейини муносиб кутиб олишга тайёрланаяптилар.

Коммунизм қуриш программаси ўзида маънавий бойлик, софлик ва жисмоний камолатни мужассамлантирган совет кишисини ҳар томонлама ўстириш ва тарбиялаш вазифасини олдинга сурди. Спорт саломатлик, букилмас ирода, меҳнатсеварликка олиб борадиган йўлдир. Миллион-миллион совет кишиларининг кундалик турмуши ва меҳнатида спорт ажойиб кўмакчи бўлиб қолди.

Ўзбекистон спортчилари район мусобақаларидан тортиб халқаро мусобақаларгача турли миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, катта муваффақиятларга эришаётганликлари, янги рекордлар қўяётганликлари қувонтирарли бир ҳолдир. СССР халқлари IV спартакиадасининг барча босқичларида икки миллиондан ортиқ киши қатнашди.

Ўзбекистон спортимизнинг энг яхши вакиллари Бутуниттифоқ ва Халқаро майдонларда неча бор юксак ўринларни эгаллаганликлари билан фахрланади.

Ўзбекистоннинг XIV спартакиадаси ва спортнинг техника турлари бўйича IV республика спартакиадаси физкультура ва спортни янада ривожлантириш ишида қудратли фактор, республикамиз спортчиларининг Москва ва Ленинград шаҳарларида ўтадиган ҳал қилувчи мусобақалар арафасидаги катта синовдир.

Спортнинг турли хиллари бўйича Ўзбекистон терма командаларида халқаро классдаги саккиз мастер, 300 га яқин СССР спорт мастери ва мастерлигига кандидат ҳамда неча юзлаб биринчи разрядликлар қатнашадилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон спортчилари СССР халқларининг бўлажак IV спартакиадасида юксак спорт муваффақиятларига эришиб, республикамиз меҳнаткашларини янги рекордлар билан қувонтирадилар ва шу билан оммавий физкультура ва спорт ишларини бундан буён ривожлантириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

Азиз дўстлар, меҳнатда, ўқишда ва спортда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Чиноздаги норуда материаллар комбинати Тошкентни қайта тиклаш учун кўплаб бинокорлик материалларини етказиб бермоқда. Комбинат коллективи бу йил 2 миллион 100 минг кубометр қум-шағал қазиб чиқаришга аҳд қилиб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бунда уларга замонавий агрегатлар ёрдам бермоқда. Суратда: комбинатда фойдаланишга топширилган қудратли тош майдалаш қурилмаси.

А. Горокрик фотоси. УзТАГ фотохроникаси.

ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ТАЯНЧЛАРИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрика-завод таълими мактаби янги ўқув йилидан бошлаб пардозлаш ишлаб чиқариши учун ишчи кадрлар тайёрлашга киришади. Бу махсус ўқув юрти шу вақтгача ёшларни тўқимачилик ишлаб чиқаришининг икки асосий тармоғи—йигирув ва тўқув тармоғи учун мутахассислар тайёрлар эди. Комбинатдаги пардозлаш фабрикаси иш кўламининг ошганлиги сабабли жорий қилинган янгиликларни комбинат партия комитетининг давлат планининг бажарилиши устидан контрол қилишни амалга оширувчи комиссияси таклиф этди. Тажрибали экономист Валентина Михайловна Федоряк бошчилик қилган бу комиссия ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам тавсиялар ишлаб чиқди.

Комбинатда бир неча ой муқаддам хўжалик ислоҳоти жорий қилинди. Бу тадбир корхонанинг бутун ишига самарали таъсир кўрсатди. Пландан ташқари бир неча миллион метр газлама, кўп миқдорда сурп, ип ишлаб чиқарилди. Лекин барча фабрикаларда ҳам иш силлиқ бораётир деб бўлмайди. Комбинат партия комитети пардозлаш фабрикасининг ишини муҳокама қилиб, бунинг сабабларини аниқлади. Фабрика тайёр молни бир текис топширмаётир, бу эса, янги шароитда асосий кўрсаткичга—маҳсулотни реализация қилиш планига салбий таъсир кўрсатмоқда. Парткомнинг давлат планининг бажарилиши устидан контроль қилишни амалга оширувчи комиссияси фабрикадаги иш билан батафсил танишиб чиққанидан кейин ана шу ҳақда ахборот берди. Қабул қилинган чоралар ишлаб чиқариш мароми бузилишининг олдини олишга ёрдам бериши лозим.

Партия комитети барча аъзолари ва комиссияларининг актив ташкилотчилик ишини олиб бораётганликлари ишлаб чиқаришда вужудга келаётган муҳим проблемаларни ишнинг кўзини билиб муҳокама қилиш ва ҳал этишда партия комитетига ёрдам бермоқда. Партия комитети составида ўн бир киши бор. Булар—тажрибали тўқимачилар, партиявий ва пропагандистлик ишида малака оширган кишилардир. Уларнинг ҳар бири муайян участкага бириктиб қўйилган.

Комбинатда техника тараққиёти кенг кўламда амалга оширилмоқда— янги машина-ускуналар ўрнатилмоқда, эски ускуналар олиб ташланмоқда. Партия комитети составига иккинчи марта сайланган инженер Олим Иброҳимович Муҳамедовга маъмуриятнинг техникавий тадбирларни қандай амалга ошираётганлиги устидан контроль қилиш иши топширилди. Яқинда у комитетнинг муҳим топшириғини бажарди, новаторларнинг таклифлари қандай жорий этилаётганини текширди. Текшириш ишига илғор тўқимачилар, рационализаторлар ва ихтирочилар жамияти аъзоларидан катта бир группаси жалб қилинди.

Партия комитети жамиятнинг энг яхши фабрика ташкилотлари тажрибасини умумлаштириб, фабрикалар ва механика заводи партия бюроларининг секретарлари зиммасига новаторларга кўмаклашиш вазифасини юклади. Партия комитетининг тавсияси билан совет ҳокимиятининг юбилейи шарафига ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олган ижодкор бригадалар тузиб, рационализаторлар учун темалар ишлаб чиқилди, улар учун тажрибали мутахассисларнинг консультациялари уюштирилди. Шу тадбирлар туфайли техника ижодкорлиги тобора оммавий тус олмоқда. Янгиликларни жорий қилиш муддатлари қисқарди· булардан келган тежам эса, шу йилнинг ўзидагина чорак миллион сўмдан ошиб кетди.

Партия комитетининг барча аъзолари, унинг комиссиялари ва активи иштирокида партком иқтисод қилиш ва тежамкорлик кўригининг дастлабки якунларини чиқарди, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг кенг планини белгилади, хўжалик ҳисобини амалга ошириш йўлларини муҳокама қилди.

Партия комитети барча масалаларни коллектив бўлиб ҳал этиш учун ҳаракат қилиб, айни маҳалда партия комитети ҳар бир аъзосининг масъулиятини камайтирмайди. Инженер Мария Даниловна Тихонова юбилей йилида тўқимачилар мусобақасининг юксак таъсирчанлиги ва кенг ошкор бўлишига эришмоқда, биринчи тўқув фабрикасининг мастери Нурия Мақсумова хотин-қизлар ўртасида маданий-оммавий ишларни олиб бормоқда. Партия комитети составида ўзларининг новаторликлари билан ва актив жамоат фаолияти билан машҳур бўлиб қолган йигирувчи Мария Федоровна Алпатова ва арқоқчи Татьяна Сергеевна Переводчиковалар ҳам бор. Партия комитети уларга энг масъулиятли участкалардан бирини—маиший хизмат кўрсатиш иши устидан контроль қилишни ишониб топширди. Комитет аъзолари ўзларини сайлаб қўйган коммунистларнинг иродасини бажара бориб, уларнинг наказларини адо этибгина қолмай, шу билан бирга бу ишга кенг активларни ҳам жалб этадилар. Комбинатда салкам бир ярим минг партия аъзоси бўлиб, уларнинг деярлик ҳаммаси доимий топшириққа эга. Коммунистлардан 200 киши пропагандистлик қилишдек фахрли вазифани бажармоқда. Фабрика ва бўлимларнинг партия бюроларида ҳам ўшанча коммунист шу вазифани бажармоқда. Коммунистлардан 400 дан кўпроқ киши агитколлективда иш олиб бормоқда, юздан кўпроқ киши партия группаси ташкилотчиларидир. Партия комитети ва партия бюролари ҳузурида ҳар хил жамоат комиссиялари ва группалари ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси ташкилотнинг иши билан чуқурроқ шуғулланишда, унинг ташаббускорлигини ривожлантиришда комитетга ёрдам бермоқда.

(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ» СИГАРЕТЛАРИ МОНРЕАЛГА ЖЎНАТИЛДИ

Тошкент тамаки фабрикасининг коллективи Монреалдаги «ЭКСПО—67» жаҳон виставкасидаги совет павильонига ўзларининг энг яхши маҳсулотлари намуналарини — «Тошкент» маркасидаги филтрли сигаретларни самолётда жўнатди. Чиройли қилиб безатилган 500 қутичанинг ҳар бирига Ўзбекистон пойтахтининг манзаралари тасвирланган ўн пачка сигарет солинган.

Республика виночилари ва кондитерлари ҳам Канададаги совет павильонида ўз маҳсулотларини намойиш қиладилар.

(ЎзТАГ).

МАРДЛИК—МАНГУЛИК

Гомель шаҳар Совети шаҳарнинг магистралларидан бирига Султон Жўраев номи берди.

Бу ерда тантанали вазиятда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Унга қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган:

«Султон Жўраев, 1910 йилда туғилган. Ўзбек халқининг шонли фарзанди, шоир, пулемётчи-кавалерист. 1943 йил 10 ноябрда Лоев шаҳрини озод қилиш вақтида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган».

Козерочи қишлоғида дафн этилган жангчи шоир қабрига ҳайкал ўрнатилди.

●

БЕКОБОД, 2 июнь. (ЎзТАГ). Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг Ватанимизни фашист босқинчиларидан озод этиш учун курашда ҳаётини қурбон қилган собиқ ишчилари—жангчилар шарафига қишлоқ маданият боғининг марказида хотира ёдгорлиги ўрнатилди. Монументни тантанали очиш маросимига бағишланган кўп кишилик митингда қўшни хўжаликларнинг деҳқонлари ҳам қатнашдилар.

...Ёдгорлик устидаги парда аста-секин туширилади. Тўпланганларнинг кўз ўнгида 12 метрли ёдгорлик пайдо бўлади. Унинг учига беш қиррали юлдуз қўйилган. Мармар тахтага рус ва ўзбек тилларида: «1941—1945 йиллар. Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона ҳалок бўлган совхознинг ҳамқишлоқ жангчиларига абадий шон-шарафлар» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Чўяндан қуйилган хотира лавҳаларида Ватан учун жонини фидо қилган 200 совхоз меҳнаткашининг исм ва фамилиялари бўртиб турибди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Ильин, Бекобод район партия комитетининг биринчи секретари М. Нуъмонов, Ватан уруши ветерани С. Болтабоев митингда нутқ сўзладилар.

ПЕРМЬ ТАЖРИБАСИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездининг КПСС Марказий Комитети ҳисобот докладн юзасидан резолюциясида шундай дейилади: **«Меҳнаткашларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун яхши шароит яратиб бериш мақсадида аста-секин, корхоналар янги режим билан ишлашга тайёр бўла борган сари ишчи ва хизматчилар учун ҳафтадаги иш соатларининг мавжуд миқдори сақланиб қолган ҳолда икки кун дам олинадиган иш ҳафтаси жорий қилина борсин».**

Совет кишиларининг моддий турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлигини оширишни ўз фаолиятининг олий қонуни деб билган КПСС нинг бу кўрсатмаси Пермь меҳнаткашлари томонидан алоҳида эътибор ва зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Чунки пермликлар мамлакатимизда биринчилар қатори беш кунлик иш ҳафтасига ўтиб ишлай бошлаган эди.

Ҳозирги вақтда шаҳар ишчи-хизматчиларининг 94 проценти қисқартирилган иш ҳафтаси асосида меҳнат қилмоқдалар. Коллективлар, хўжалик, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари икки кун дам олинадиган иш ҳафтасини ташкил этишда анчагина тажриба тўпладилар. Бу тартибнинг ҳар томонлама фойда бериши, унинг давлатга ҳам, меҳнаткашларга ҳам баравар наф тегишини амалда синадилар. Шаҳарда раҳбар ходим, оддий ишчи, катта-кичик ким билан суҳбатлашманг, беш кунлик иш ҳафтасининг самарасидан хурсанд бўлаётганликларини, уни қўлланиш фақат фойдадан ҳоли бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча шаҳарларида беш кунлик иш ҳафтасини жорий қилиш юзасидан жуда кенг миқёсда тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Шу жумладан, областимизда ҳам бу муҳим кампанияга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарорига мувофиқ янги тартибга ўтиб ишлаш Улуғ Октябрнинг 50 йиллигигача тўла тугалланиши лозим. Шу нуқтаи назардан Пермь меҳнаткашларининг бу соҳадаги тажрибалари диққатга сазовордир. Ушбу мақолада ана шу ҳақда қисқача тўхтаб ўтилади.

Пермь беш кунлик иш ҳафтасига комплекс равишда ўтилган мамлакатдаги ягона шаҳардир. Янгича ишлаб, орттирилган дастлабки тажрибалар икки кун дам олинганида меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини енгиллаштириш, фаровонлигини яхшилаш учун жуда катта имкониятлар очилишидан далолат бериб турибди. Меҳнаткашларнинг ишлаш ва дам олиш шароити кескин яхшиланди, ғоявий ўсишлар учун шароитлар яратилди.

Коллективлар янгича меҳнат қилишга ўтиш учун кенг миқёсда тайёргарлик ишларини амалга оширдилар. Ҳамма завод ва ташкилотларда умумкорхона, цех комиссиялари, шаҳарда эса шаҳар комиссияси тузилди. Бу комиссиялар янгича ишлашга ўтишга раҳбарлик қилдилар, белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб бордилар. Ҳамма жойда кенг тушунтириш ишлари амалга оширилди.

Аввало корхоналарнинг янги шароитда қандай ишлашлари ҳақидаги янги графиклар синчиклаб тузиб чиқилди. Жорий қилинган график ҳафтанинг беш кунида бир сменали иш шароитида 41 соатга мўлжалланган. Шундай бўлганда ҳар сменанинг иш вақти 8 соат-у 15 минутни ташкил этиб, бир соат тушки дам олишга ажратилади. Бундай шароитда ҳар ҳафтанинг шанбасида ҳам дам олинади. Икки сменали иш шароити бўлган корхона ва ташкилотларда ҳар бир смена 8 соатдан ишлайди, 30-40 минут овқатланиш учун ажратилади. Бунда ҳар йилнинг 8 шанбаси иш куни ҳисобланади. Меҳнат уч сменада ташкил этилган жойларда ҳар смена вақти 7 соат-у 40 минут бўлиб, 1 ва 2-сменада 30 минутдан танаффус қилинади. Бу тартиб қўлланилганда ҳар йилнинг 19 шанбаси иш куни бўлади.

Ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган шароитда иш графиги эскича қолаверади. Бундай ходимлар узлуксиз график асосида ишлаб ҳафтанинг икки кунида дам оладилар. Транспорт, қурилиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва шу каби корхоналарда ҳам уларнинг иш хусусияти ҳисобга олиниб, график қайтадан тузилди.

Ўтган йилдан бошлаб ёппасига янгича ишлашга ўтган шаҳар корхоналари давлат планини муваффақиятли бажармоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 12,1 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги эса 9,1 процент ошди. Юбилей йилида олинган социалистик мажбуриятлар ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Би-

БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИ АМАЛДА

ринчи кварталдаги иш якунлари шундан далолат бериб турибди.

Янгича ишлашнинг ижобий томонларини кўрсатувчи бошқа жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Илгари сменалар орасида анчагина иш вақти бекор кетарди. Эндиликда эса у 25—50 процент камайди. Телефон заводида бу кўрсаткич 48 процентни, велосипед заводида эса 44 процентни ташкил этди.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ҳар соҳада тежамкорликка астойдил интиладиган бўлиб қолдилар. Қатор корхоналарда ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш юзасидан кўриклар ўтказилди.

Жуда кўп заводлар, шу жумладан Свердлов номли машинасозлик заводи партия ва касаба союз ташкилотлари шахсий социалистик мусобақани ташкил этишга алоҳида эътибор бердилар. Смена нормасини муттасил ортиғи билан бажараётган станокчилар тажрибаси касбдошлари ўртасида муттасил оммалаштирилди. Қолоқларга кўмаклашилади. Бундай ишчилар назорат остига олиниб, уларга зарур бўлган ҳамма масалалар юзасидан бутун коллектив ёрдам бериб туради.

Шаҳар корхоналарида «8 соатлик иш программасини — 7 соатда бажарамиз!» деган шиор остида янги ватанпарварлик ҳаракати бошланиб кетди. Унда минглаб турли касб эгалари фаол қатнашмоқдалар. Цехларда ҳар бир участка, смена, бригада, айрим ишчи томонидан смена нормасининг қандай бажарилганлиги ҳар куни кўрсатиб турилади. Янгича ишлаш жорий қилингач, ижодий бригадалар сони кескин орта борди. Ҳозир барча завод ва қурилиш ташкилотларида ўнлаб шундай бригадалар ишлаб чиқаришнинг турли муаммоларини ҳал қилиш устида изланмоқдалар. Фақат Дзержинский номли заводда 18 та шундай бригада бор. Уларга 500 га яқин киши бирлашган.

Корхоналарда кўплаб материаллар ва хом ашё тежаб қолинаётир. Айниқса, электр қуввати, иссиқлик энергияси сарфлаш анча камайди. Ҳозир шаҳар бўйича сарфланиши лозим бўлган ток, буғ ва қисилган ҳавонинг 6—8 проценти тежаб қолиняпти. Ҳар минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр қуввати сарфлаш велосипед заводида 23 процент, ёқилғи сарфиёти эса 24,5 процент камайди. Телефон заводида эса бу кўрсаткичлар 5 ва 11 процентни ташкил этди. Янгича ишлашга ўтган аксарият корхоналарда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.

Олдинги йилларда давлатга миллион сўмлаб зиён келтирган Ленин номли машинасозлик заводи янгича ишлаб, бир йилдаёқ рентабелли корхонага айланди. Агар 1965 йилда шаҳар корхоналари давлатга 4 миллион сўмлик кам фойда келтирган бўлса, беш йилликнинг биринчи йилидаёқ, яъни янгича ишлашга ўтилган дастлабки йилиёқ планлагидан ташқари 4 миллион сўмликдан кўпроқ жамғарма олди. Қўшимча ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 28 миллион сўмликни ташкил этди.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш асбоб-ускуналарни ремонт қилиш сифатини тубдан яхшилади. Илгарилари эксплуатация қилинаётган машина ва механизмлар ўз вақтида ремонт қилинмасди, бу ишда кўпинча шошқолоқлик, пала-партишликка йўл қўйиларди. Кўпгина ремонтчилар, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлардилар. Янгича ишлаш шароитида ремонт сифати устидан назорат кучайтирилди. Ремонтчиларнинг моддий манфаатдорлиги улар қилаётган ишнинг кўп ва соз бўлишига боғлиқ қилиб қўйилди. Ремонтчиларнинг иш графиги бошқачароқ қилиб тузилди. Улар шанба ва якшанба кунлари ишлаб, ҳафтанинг бошқа икки кунида дам оладиган бўлдилар. Шундай қилинганида асбоб-ускуналар белгиланган график бўйича бафуржа ремонт қилинади. Бу эса ремонт сифатини яхшилаш ва машина-механизмларнинг самарадорлигини оширишга беқиёс ёрдам бермоқда.

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтмасдан илгари ишчи ҳар смена олдидан икки нарса — ишлов бериладиган детал ва инструментларни олиш учун навбатда турар эди. Омборчи унга зарур нарсаларни топиб бергунча 20 минутгача қимматли иш вақтини фойдасиз ўтказишга мажбур эди. Янги тартибда ишлаётган корхоналар бунга хотима бердилар. Янги графикка мувофиқ мастерлар, омборчилар, асбоблар ва деталларни таркатувчилар смена бошланишига ярим соат қолганда ишга тушадилар. Улар сменада ишни дарҳол бошлаб юборилиши учун барча тайёргарликларни кўриб қўйишади. Смена бошланиши арафасида старший мастер инструмент ва деталлар учун нарядлар ёзадя. Омборчилар эса уларни барвақт йиғиб, идишга солиб қўядилар. Ишчи эса фамилиясини айтиб, шу зоҳатиёқ ўзига керакли нарсаларни олади.

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

(Давоми бор).

ҚЎШИМЧА 1500 ТОННА ТОЛА

«Ташзаготхлопкуб» тресты коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига олган мажбуриятини шараф билан бажармоқда. Шу улуғ санани муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдираётган пахта тозалаш саноати ходимлари меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг беш ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 29 майда тўла адо этдилар. Ой охиригача қўшимча 1500 тоннага яқин пахта толаси берилди. Пландан ташқари тайёрланган ялпи маҳсулот 80 минг сўмликни ташкил этди. Шу даврда қўшимча 6 минг дона пахта тойи тўқимачилик саноати корхоналарига жўнатилди.

Қатор корхоналар, шу жумладан Бекобод, Алимкент, Тошкент ва Далварзин пахта тозалаш заводлари коллективлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар.

К. РОГАЧЕВ.

ОЛИМ КАШФИЁТИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг доценти Ҳамидулла Ҳасанов яқинда «Ўрта Осиё географларининг мероси» деган темада докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Махсус оппонентлар СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, география фанлари доктори А. Соловьев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Я. Ғуломов ва геология-минерология фанлари доктори О. Исломовлар Х. Ҳасановнинг докторлик ишига юқори баҳо бердилар.

— Бизга, — дейди А. Соловьев,— шу кунгача номаълум географик фактларни Ҳ. Ҳасанов ўз ишида яхши очиб берган. Диссертацияни ўқиб, Ҳиндистонга СССРдан биринчи бўлиб ким борган деган саволга аниқ жавоб олдик. Шу кунгача А. Никитин биринчи борган дейилиб келинарди. Ундан 27 йил олдин А. Самарқандий борганлиги маълум бўлди. Биринчи глобус, карталар Ўрта Осиё олимлари томонидан кашф этилганлиги ҳам бу илмий ишда ифода қилинади.

Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қашқарий, Самарқандий, Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобир ва ўнлаб Ўрта Осиё олимларининг буюк ишлари докторлик диссертацияда қайд қилиб ўтилган. Ернинг биринчи шар шаклида эканлигини ўртаосиёлик олим Беруний томонидан айтганлиги фанда шу кунгача номаълум эди. Олим шу ҳақда ҳам аниқ маълумотлар келтиради. Ҳ. Ҳасановнинг докторлик иши географларга, тарихчиларга, картографларга, терменология билан шуғулланувчиларга фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

А. АБДУЛЛАЕВ.

АГИТБРИГАДА ДАЛАДА

Ҳозирги долзарб кунларда деҳқоннинг бутун фикри-зикри ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиш, уни серҳосил қилиб ўстиришга қаратилган. Шундай экан, далада тер тўкиб меҳнат қилаётган азамат механизаторлар, ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси тўғрисида ғамхўрлик қилиш, улар учун барча шароитларни яратиб бериш энг муҳим вазифадир.

Бекобод районидаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари бу соҳада яхши иш қилмоқдалар. Энг муҳими шуки, дала шийпонлари ремонтдан чиқарилиб, жиҳозлаб қўйилмоқда. Бу шийпонларда ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилаётир. Айниқса, кўргазмали агитация воситаларига кенг ўрин берилмоқда. «Победа», Ленин номли колхозларда янгидан қурилган дала шийпонлари, деҳқонлар маданий ҳордиқ чиқарадиган жойга айлантирилди.

Бу шийпонларда кўчма кутубхоналар ва дўконлар пахтакорлар хизматида. Медицина ва кино хизмати кўрсатишни янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Ленин номли колхознинг Ю. Алиева, А. Усмонов, М. Мирзаев, А. Рўзиматова, И. Сидиқалиев, М. Эрматов ўртоқлар бошчилик қилаётган звеноларнинг дала шийпонларида бўлсангиз баҳри-дилингиз очилади. Колхоз агитаторлари бу шийпонларга тез-тез келиб, суҳбат ўтказадилар. Газета ва журналлардаги янгиликлардан деҳқонларни хабардор қиладилар.

Яқинда Бекобод район партия комитети агитбригада ташкил этди. Бу бригада составида лекторлар, маданий-оқартув ходимлари, ҳаваскорлик тўгаракларининг қатнашчилари бор. Улар дала-ма-дала, шийпонма-шийпон юриб, дам олиш вақтларида колхозчилар ва совхоз ишчилари ўртасида оммавий-сиёсий иш олиб борадилар, концерт қўйиб берадилар.

Агитбригада қисқа вақт ичида Навоий номли колхоз, 2-«Далварзин» совхозининг бир қатор бўлимларида, пахтакорлар ҳузурида бўлди. Район партия комитетининг инструктори Н. Абдураҳимов дала шийпонига тўпланган пахтакорларга «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» деган темада лекция ўқиб берди. Агитбригаданинг бошқа аъзолари ҳам турли темаларда суҳбатлар ўтказдилар. Деҳқонларнинг саволларига жавоб бердилар. Сўнгра район маданият уйи, «Коммунизм» ва «Победа» колхозларининг бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг ижросида концерт қўйиб берилди.

Агитбригада белгиланган график асосида районнинг барча колхозларида бўлади ва деҳқонларга маданий хизмат кўрсатади.

В. УЛМАСБОЕВ.

ПЕРМЬ областидаги Чайковский шаҳрида ипак газламалар комбинати бу йил тўла ишга туширилади. Ҳозирги вақтда унинг қатор қувватлари маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Суратда: йигирувчилар бригадаси раҳбари Тамара Константиновна Андреева иш устида.

Е. Загуляев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ саҳифаси

УЙҒУР КУЙЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

Жонажон ва улкан Ватанимизда Улуғ Октябрь тонггининг 50 йиллигини байрам қилиш орзуси билан яшнаётган ҳар бир миллат ҳаётида қувончли дамлар рўй бермоқда. Юздан кўпроқ тилда сўзлашувчи халқларнинг ҳар бири шу буюк оиланинг бахтиёр ва тенгҳуқуқли аъзоси бўлганлигидан фахрланади. Ўз эрки, бахти, маданий меросини мамнуният билан мадҳ этиб ардоқламоқда.

Советлар ватанида яшаб, ижод этиб, камол топаётган уйғур халқининг маданияти илғор-жанговар анъаналари Ленин ғояси билан суғорилиб, ривожланмоқда, бойимоқда. Адабиёт, санъат, фан борасида ажойиб арбоблар етишиб чиқди ва чиқмоқда.

Ўзбекистон кўп вақтлардан бери уйғур халқига иккинчи ватан бўлиб қучоқ очиб келди ва келмоқда. Ўзбек ва уйғур тил, анъаналар, турмуш кечириш, урфу одат, миллий хусусиятлар жиҳатидан яқин бўлибгина қолмасдан, балки тарихий маданий, маънавий мерос жиҳатдан ҳам бир-бирига ворис ва муштарак халқлардир. Ана шундай ўхшашликка қарамасдан, яқинда Ўзбекистон радиоэшиттириш ва телевидение, Давлат комитети ҳузурида катта уйғур ашула ва музика ансамбли ташкил этилди. Бу билан қардошликнинг яна бир шакли майдонга келди. Шунингдек ҳар куни оқшомлари бир соат уйғурча эшиттириш муддати икки соатга узайтирилди.

Ҳали жуда ёш уйғур ашула ва музика ансамблига республикада хизмат кўрсатган артист, атоқли музикачи Ғанижон Тошматов раҳбарлик қилмоқда. Ансамблда Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистка Марям Тўхтаева, уйғур ва ўзбек қўшиқларининг моҳир ижрочиси Холисхон Қодирова, хушовозли Саломат Шарифжонова сингари ўнга яқин хонандалар, шўх ва жозибадор рақслари билан кўзга кўринган Қамбарнисо Ўмарова, моҳир камончи Абдужаббор Аҳмедов, уста тамбурчилардан Нурмуҳаммад Меҳроев каби ундан зиёд созандалар бор.

Ёш уйғур ансамблининг ижод самаралари санъат ва адабиёт ихлосмандларини мамнун қилмоқда. Яқинда Тошкентда яшовчи уйғур жамоатчилиги вакилларига ушбу ансамбль ўзининг катта программали концертини кўрсатди. Кечада уйғур халқ классик ашулалари ва замонавий қўшиқлар жарангладн, куйлар-наволар таралди. Истеъдодли хонанда Марям Тўхтаеванинг айтган «Маданият» ва «Ҳорманглар» ашулалари, шунингдек Холисхон Қодированинг «Соғиниб келдим» каби қўшиқлари жамоатчиликда жуда зўр қизиқиш уйғотди. Айни вақтда ансамбль асосан уйғур халқ ва классик ашулаларини, музикаларини қайтадан тиклаш ҳамда уни тарғиб қилиш йўлидаги изланишларини жадаллаштирмоқда. Ўша изланишнинг тўнғич маҳсулотлари сифатида «Анор-гул бола», «Сени деб келдим», «Ишчан йигит», «Маданият», «Булбулим», «Булбул садоси», «Ўрма қўшиғи», «Соғиниб келдим», «Дала қўшиғи» «Жонимей», «Ёр-ёр» сингари йигирмадан ортиқ қўшиқ қўшиқлар хазинасининг магнит ленталарига ёзиб олинди.

Шу йил 30 апрелда кечқурун Тошкент телевидение студияси томонидан Биринчи Май байрамига бағишлаб ташкил этилган концертлар қаторида мазкур ансамблнинг концерт номерлари ҳам телевидения томошабинларига кўрсатилди. Унинг бошида берилган «Марғул» номли уйғур классик музикасининг янгроқ ва дилрабо садоси ойнаий жаҳон олдида ўтирган томошабинлар қалбига кира олди. Шу билан бирга «Дала қўшиғи», «Рўмолим», «Лабларинг новвот ёрим», «Ботур шамоллар», «Сени дедим» каби қўшиқлар, «Саҳар пардаси», «Қашқар санами» сингари яллали рақслар бутун телетомошабинлар кўнглини овлай олди.

Уйғур созандалари ва хонандалари истеъдодли бастакор Ғанижон Тошматов бошчилигида ҳозирги замон уйғур қўшиқлари, рақс ўйинларини яратиш учун катта ижодий иш олиб бормоқдалар.

Замон талабига тўла жавоб берадиган кўп овозли ансамбль яратиш асосий мақсаддир. Шу муносабат билан Тошкент Давлат консерваториясининг вокаль, хор, чолғу бўлимларида таълим олаётган ёшлар тобора ансамблга тортила бориши, айни чоғда ансамблдаги ёшларнинг малакасини ошириш мақсадида янги ўқув йилидан бошлаб улар музика билим юртларига жалб қилиниши керак.

Ансамбль кичик коллективга эга бўлишига қарамасдан унинг бағрида талантли йигит-қизлар, хонанда ва созандалар, раққосалар, лапарчилар ижод баҳсига тушмоқдалар. Улар ижросидаги ҳар бир қўшиқ, ҳар бир соз куйи қувноқ ва бахтиёр уйғурларнинг қалбларидан отилиб чиқаётган ташаккурномага ўхшаб эшитилади. Шу сабабдан ана шундай порлоқ истиқбол сари катта йўлга олиб чиқиб, уйғур халқига бахту саодат бағишлаган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига, жумладан Ўзбекистон Компартияси ва бағри кенг, саҳий, қон-қардош ўзбек халқига минг бор раҳматлар айтсанг ҳам озлик қилади.

Рўзи ҚОДИРИЙ,
уйғур ёзувчиси.

Суратда: уйғур ашула ва рақс ансамбли.

МЕҲНАТ ҚАСИДАСИ

Қўшиқ бўлиб янгра, меҳнатим,
Севги янглиғ киргин ҳар дилга.
Сен-ла бирга бориш ниятим
Коммунизм — қутлуғ
манзилга!
Шарафингга қиламан таъзим,
Шарафингдир бахту роҳатим.
Гаштинг билан обрў, иззатим,
Гуллар
қучар
доим меҳнатим!
Энг муқаддас орзу дояси,
Хазинаси ўзингсан фақат.
Ҳаёт, кураш ва бахт ғояси,
Андозаси ўзинг ҳамма вақт.
Сен ҳаётим кўрки, шонли йўл,
Сендан топдим эътиборимни.
Сенда ҳикмат, эзгулик мўл-кўл,
Сендан топдим гулбаҳоримни.
Сен туфайли бағрим кенг олам,
Ҳамма нарса яқин, қадрдон,
Сен туфайли ҳамма ёру дўст,
Сен-ла этдик элни гулистон.
Омадимни сендан топганман,
Сенсан йўлчи юлдузим ҳар
бор,
Сенсиз на дил, на уйда файз
бор,
Сен бор ерда йўламас ғубор.
Бахтим шуки, сени ёр тутдим,
Ардоқладим, беғубор тутдим.
Мен сен билан бирга ҳамиша,
Шонли меҳнат, мангулик яша!

Мақсуд ХАЛИЛОВ.

ШАЙДОЙИНГМАН

Бўлмасайди гулларнинг ҳиди
Куйламасди ишқида булбул.
Бўлмасайди булбулнинг диди
«Шайдойингман» демасди
нуқул.
Айбми ёрни гулга ўхшатсам,
Сенга атаб ёзсам шеъримни,
Қўй, қийнама дилдор бунча ҳам
Соф қалбдаги севги, меҳримни

БАҲОР

Қалбда шодлик. Енгилман
қушдай,
Чеҳраларда балқиган қуёш.
Элда баҳор, дилларда баҳор,
Баҳор ишқи солибди оташ.

Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ.

АЛИНИНГ УЙЛАНИШИ

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

Бир куни Али деган танишим ҳовлиққанича уйимизга кириб келдида:

— Суюнчи бер, дўстим, уйландим, — деди.

Мен ҳанг-манг бўлиб қолдим:

— Ие, тўйга айтмасдан-а?

— Хафа бўлмайсан, дўстим, хонаси шунақа бўлиб қолди, — деди у менинг хафа бўлганимни пайқаб.

Дарҳақиқат, Алининг уйланиши мени ҳайратда қолдирган эди. Чунки Али шерикларимиз ичида энг ўқувсиз, гапи оғзидан тушиб кетадиган ношуд, лофи билан айтганда, пашшани ҳам бемалол тутиб ололмайдиган йигит эди. Ҳамма тенгқурлари уйланиб кетиб сўппайиб ўзи қолгани учун ўртоқлари уни «Али курк» деб чақиришадиган бўлди.

Нима бўлсаям мен дўстим ҳақидаги шубҳаларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ундан: «Қачон ва қандай қилиб?» деб сўрадим.

Али оғиз жуфтлаб ўзининг уйланиш воқеасини гапириб бермоқчи бўлаётган эди, мен ундан яна:

— Қизни қаердан топдинг, қизни? — деб сўрадим.

— Ҳамма гап шунда-да, оғайни, — деди у керилиб, — мен топганим йўқ, ўзи топ этиб осмондан тушди.

— Осмондан?!

— Ҳа, осмондан. Бир куни ишдан қайтиб келсам дегин, эшикнинг тутқичида бир хатча қистириғлиқ турибди. «Ажабо, нима гап ўзи?» дедим ўзимга ўзим ва дарров хатчани олиб ўқидим. Унда: «Шу билан иккинчи келишимиз. Эртага ё ўзингиз уйда бўлинг, ёки калитни қўшнингизга ташлаб кетинг. Салом билан Наима ва Зарифа» дейилган эди.

Кўзларимга ишонмай хатчани қайта-қайта ўқидим: «Наима ва Зарифа...» Хўш, ким бўлди булар? Бу савол мен учун бир жумбоқ бўлиб қолди.

Ниҳоят, ўйлаб-ўйлаб: «Майли, нима бўлса бўлар, бир кўрай-чи» деб эртасига калитни қўшнимга ташлаб ишга кетдим. Ишдан атайлаб бир оз ҳаяллаб қайтдим: йўлдан меҳмонларга у бу ҳам оливолиш керак эди-да, ахир. Ҳовлиқиб келиб эшикни тортсам, эшик қулф. Қўшним дарров калитни қўлимга тутқазди. «Ие, келишмапти-да...» жуда хафа бўлиб кетдим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, эшикни секин очиб уй ичига кирсам, ҳайҳот, уй ичи чиннидек қилиб супурилган, идиш-товоқлар ювилган, картошка қовурилавериб афти-ангори ўзгариб кетган, това ҳам ювилиб эпақага келиб қопти. Ҳамма нарса саранжом ва сариштали... Хуллас, уйни танийолмай қолдим. Стол устида яна бир хатча турипти: «Биз сизни кўп кутдик. Лекин ишимиз зарур бўлгани учун кетдик. Эртага яна келамиз. Наима билан Зарифа».

Нима воқеа бўлаётганига ақлим етмай каллам шишди. Қани энди томоғимдан овқат ўтса!.. Диванга чўзилиб хаёлга чўмдим, сўнг ухлаб қолибман. Эрталаб барвақт туриб, нонуштани наридан-бери қилиб ишга жўнадим.

Бу сафар эса хаёлламай қайтдим. Эшик сал қия очиқ турарди. «Мумкинми?» деб эшикни секин чертдим. Ичкаридан: «Ҳа, мумкин» деган майин овоз эшитилди. Юрагимни ҳовучлаб уй ичига кирсам, бир-биридан келишган икки қиз ўтирипти. «Сизни безовта қилганимиз учун, кечиринг» дейишди улар. Мен нима дейишимни билмай фақат «ҳеч қиси йўқ», «ҳеч қиси йўқ» дердим. Наима сакраб ўрнидан туриб кечаги ва бугунги олиб келинган нарсаларни стол устига териб қўйди, электр чойнакда чой дамлади. Суҳбатлашиб ўтириб чой ичдик. «Қаерда кўрган эканман буларни?» деб ўзимга ўзим савол бераман ва қизларни ер остидан кузатаман, лекин ҳеч эслай олмайман.

Шунда Наима дегани тилга кириб: «Бизни танимассиз. Аммо биз сизни таниймиз» деди.

Мен батамом ўнғайсиз бир аҳволда қолдим: «Наҳотки шунчалик анқов бўлсам-а!..»

— Ўтган йили пахтада бирга бўлганмиз. Биз институтдан чиқувдик. Сиз идорангиз билан чиққан бўлсангиз керак. Қўшни далада ёнма-ён пахта терганмиз. Овқатимиз умумий қозондан эди. Сизнинг ҳар куни юз килодан ошириб пахта териб топширганингизни кўриб қойил қолганмиз.

Энди эсимга келди. Дарҳақиқат, мен бу қизларни бултурги пахта терими вақтида кўрган эканман. Бир овқат маҳалида негадир секин адресимни ҳам сўраб олишувди. Бошқа гап бўлгани йўқ. Кейин эса мен билан тез-тез салом-алик қилишадиган бўлиб қолишди.

— Ҳа, ҳа, энди эсимга келди, — дедим мен.

— Уйингиз шу экан-да... ўзингиз ёлғиз турар экансизда... — деди Наима.

Мен бу гапга: «Бошқа чорам йўқ...» деб жавоб қилдим.

Қизлар бир-бирларига қараб кулиб қўйишди. Мен бу кулкининг замирида нима борлигини тушуна олмадим. Зарифа ўртоғидан ҳам чиройли кулар экан. Иболи қарашлари, юзидаги шўх табассум ва вазминлиги билан мени ўзига мафтун этди қўйди. «Агар фалакнинг гардиши айланиб келиб бир нуқтада тўхтайдиган бўлса менинг ҳам юлдузим Зарифанинг рўпарасига келиб тўхтасин!..» дедим.

Биз анчагача гаплашиб ўтирдик. Улар мендан яна кўп нарсаларни сўраб-суриштириб олдилар. Хайрлашиб кетаётиб: «Дам олиш куни яна келамиз» деб қўйдилар. Менинг энди бутун ўй хаёлим Зарифада эди. Дам олиш куни Наима келди ва мен билан бироз гаплашиб ўтиргандан кейин: «Тўй қилсак нима дейсиз?» деди. Мен «Нима дердим, розиман» деб жавоб қилдим холос. Шундан кейин у ўрнидан туриб: «Юринг бўлмаса бир магазинни айланайлик» деди. Мен ҳам «йўқ» деёлмай бор пулимни олиб Наима билан бирга магазин айлангани чиқдим. Бир магазиндан аввал аёллар кийимини олдик, кейин менбоп кийимлардан танладик. Бор пулни сарфлаб, икковимиз анча-мунча нарса билан уйга қайтиб келдик. Уй ичига кирганимиздан кейин: «Шу дам олиш куни тўйни ҳам ўтказиб юборсак нима дейсиз?» деб сўради Наима.

— Майли, таъбингиз, — дедим мен. Бошқа гапга тилим айланмади.

Дам олиш кунигача бўлганимча бўлдим. Ҳамма нарсани ўзим тайёрладим. Қўлимдан келганча дастурхон тузатдим. Шу ерда энг яқин дўстларимдан бир-иккитасини тўйга айтиб ҳам қўйдим.

Дам олиш куни етганда Наима билан Зарифа бир хилда кийинишиб, бир йигит билан уйга кириб келишди. Менинг тузаб қўйган дастурхонларимни бошқатдан тузатишиб камукўстларини тўлдиришди. Шу орада ўртоқларим ҳам тўёналари билан етиб келишди. Йигитнинг оти Шавкат экан. Ҳаммани столга ўтиришга таклиф қилди. Кейин ўзи рюмкаларга ичкилик қуйиб: «Бугун Алижон акам билан Зарифахоннинг тўйлари, муборакбод қиламиз, қани, рюмкалар кўтарилсин» деб таклиф қилди.

Ҳамма қадаҳни кўтариб ичиб юборди. Мен Наима билан Зарифанинг ўртасида ўтирардим. Зарифа менга қараб чиройли табассум қилиб қўйди.

Билсанг дўстим, ана шундай қилиб уйланиб ҳам олдим...

Малик РАҲМОН.

ЖУРНАЛИСТ

Сиз уни танийсиз,
самолётдами,
Поезддами бўлган сиз билан
ҳамроҳ.
Кулдирар ҳатто энг ғамгин
одамни,
Битта одати бор — сал
серсаволроқ...
Олис шаҳар борми ё саҳро
борми,
Йўллар идораси унинг кун ора.
Онаси куйинар: «умрининг ярмин
Поездда ўтказди болам бечора»...
Муаммо олдида бу йигит — ҳакам:
Сарақдан — пучакни айриб
ташлайди.
Ҳақиқат-чун қилар қаламин қалқон,
Макрнинг қўлини қайриб ташлайди!
Ҳаёт оқар экан томирда, қонда
Ёзишни қалбига бурч деб туяр у.
Тонготарда, сиз туш кўраётганда
Энг сўнгги жумлага нуқта қўяр у.
Ҳаёт бор, кураш бор!
яъни, бу демак,
Меҳнат-у юмуши ҳеч бўлмас адо.
Трамвайда мудраб қолса у жиндак,
Ранжигум пинҳона кулгандан
ҳатто!

Оҳунжон ҲАКИМОВ.

ИККИ ШЕЪР

АНЖИР ШАФТОЛИ

(Масал)

Ликопда бир дона
Анжир шафтоли.
Ялтираб турипти ёлғиз ва холи,
Қўлимга олдиму пўстини
артдим,
Роса шириндир деб таъмини
тотдим.
— Шафтоли эмассан дедим
еб кўриб,
Сендан афзал дедим, —
ҳатто хом ўрик.
Шафтолидай хушрўй,
боллигинг қани...
Анжиршафтоли-чи бошлади
таъна:
— Гапингиздан қаттиқ
ранжирман дейди,
Мен шафтоли эмас
Анжирман; дейди.
— Анжир бўлсанг нега
чучмалсан бундай,
Таъминг йўқ-да, ахир еса
егудай.
Сўзини бермайди
Анжиршафтоли,
— Шафтолиман, дейди
Анжирдан холи...
Билмадим,
Қиссадан ҳисса чиқариб
Қандай маънолик гап деса
бўлади.
Ҳар ҳолда
Баъзи ланж одам олдида
Анжиршафтолини еса бўлади.

ГУЛ ТИКАНИ ҲАҚИДА

Назокатли гулнинг хунук
тикани.
Хунук тиканакнинг гўзал
гули бор.
Шуми табиатнинг доно экани,
Тиканга гул, гулга тикан
не даркор?
Тикансиз яшнай олмайди
наҳот
Боғу чаманларнинг гулу
раъноси?
Тиканлар ҳам сулув
гуллайди наҳот,
Бунинг сири недир, недир
маъноси?
Қаранг табиатнинг бу
қувлигини
Гулга тикан, тиканга гул
бахш этиб,
Одамнинг туйғусиз
туйғулигини
Синамоқ бўлади атай чалғитиб.
Тиканзорда қанча
яшнамасин гул,
Гулзорни қанчалик босмасин
тикан,
Қайдан гул узишни билади
кўнгил.
Табиат қувлиги гўлликдир
зотан.

Ю. ШОМАНСУР.

СИРДАРЁ

Эй Сирдарё, гўзал Сирдарё,
Сувинг қанду-асал Сирдарё.
Улуғ Ленин замонасида
Кийдинг нурдан зарҳал
Сирдарё.
Сиринг очиб ўйнаб оқибсан,
Саҳроларга кулиб боқибсан.
Мирзачўлнинг бўйнига нурдан
Сен бебаҳо маржон тақибсан.
Каналларда яйраб-яйраб оқ
Ширин каби зулфинг тараб оқ.
Мард қаҳрамон чўлқуварларга
Келинлардек кулиб қараб оқ.
Эй Сирдарё, гўзал Сирдарё,
Қўйнинг тўла балқир нур дарё.
Борми сендай шунча қудратни
Сир сақлаган яна бир дарё?

КАМТАР.

ЁЛҒИЗЛАТМАНГ

Ором билмас содда ҳисларим,
Янграйверсин, мунис
оҳанглар
Ёлғизлатманг, мени
дўстларим,
Ёлғизлатманг...
Азиз одамлар!
Ёлғизликка ўрганмасин жон,
Шовқин-сурон тўлсин
хонамга.
Сукунатга бермангиз омон —
Ёлғизлатманг...
Мени одамлар!

Шавкат ТУРОБ.

ШОИРА ҚИЗГА

Сендаги латофат, сендаги талъат,
Сендаги малоҳат ўзи чин ғазал.
Танти бўлмасайди саҳий табиат,
Балки яратмасди бунчалик гўзал.
Сендаги бу ҳусн, шаклу шамойил,
Кўпларни ғазал ёз деб ўзи қистар,
Сенинг юрагинг-чи, сенинг камолинг
Шеърият боғидан тоза гул истар.
Сенинг илҳомчингдир мана шу борлиқ,
Сенинг илҳомчингдир мана шу ҳаёт.
Сенинг васф этганинг ишқ, бахтиёрлик
Замон сенга берди илҳому қанот.
Сенинг оташлигинг, сенинг жамолинг
Эслатар, азизим, бошқа бир қизни.
Ўхшамас унга ҳеч сенинг иқболинг,
Балки, биладурсан у бир бахтсизни.
Ҳар оқшом ашкидан сиёҳ қилиб у,
Ғазал ёзди балки юрак қонидан.
Ҳасрат тўла кўксин тилиб-тилиб у
Фарёд чекиб ўтди ўз замонида.
Деворлар бўялди унинг қонидан,
Деворларда бордир унинг ғазали.
Ёруққа чиқолмай ғам зиндонидан
Тақдирин қарғайди ўзбек гўзали.
Кўнглингни қилдимми, азизим, хира,
Назми номли ўша қизни мен ёдлаб.
Ўтмишда қанчадан қанча шоира
Зор йиғлаб ўтишди замондан додлаб.
Шуларнинг ҳаққи бор сенинг байтингда,
Ўшалар кўрмаган шодликни куйла.
Севгидан ўртанган оғир пайтингда,
Ўтмиш шоиралар тақдирин ўйла.
Бахтинг таронасин янграт, шоира.
Меросдир қўлингда тутганинг қалам.
Сени ҳам аташ мумкин бугун Нодира,
Аммо сенга боқди бу янги олам.
Навоий ашъори сенга армуғон,
Қошларинг ғазалнинг шоҳ байтидур.
Сенинг шеърларингни, эй моҳитабон,
Бугун кўзларингдан ўқиш пайтидур.

Ҳамид НУРИЙ.

Суратда: Тошкентлик рассом Василий Нечаев «Регистон устида байроқ» номли картинасини ишламоқда. О. Апухтин фотоси.

ИШҚ

Меҳмон дерлар ишқни юракда.
Шундаймикан... Ишонмайман
ҳеч,
Меҳмон келар, кетар
вақт ўтгач,
Аммо севги ҳамроҳ эрта-кеч.
Мен севаман сени юракдан,
Ишон севгинг, ёр, меҳмон эмас.
Бўлар экан ишқинг ҳамроҳим,
Ўйлайманки, меҳмон дейилмас.

Шавкат РАСУЛОВ.

МОСКВАДА, Кутузов проспектида, Бородин жанги панорамаси яқинида Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига бағишланган триумфаль арк тикланмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) скульптор В. В. Глебов, реставрация автори И. П. Рубен, скульпторлар А. В. Соловьев ва Е. А. Рудаковлар Москва тарихига бағишланган горельеф ёнида.

И. Савинова фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ДАСТХАТЛИ КИТОБЛАР

«Туркистон тўплами» китоби мана бир неча йилдирки Алишер Навоий номли Ўзбек давлат халқ кутубхонаси камёб адабиётлар бўлимида сақланиб келмоқда. Бу китобнинг овозаси кенг тарқалди. Ҳатто чет эллардан келган кишилар уни шу кутубхонадан олиб ўқийдилар. Кутубхонада сақланаётган «Туркистон тўплами» асари жаҳондаги мавжуд ягона нусхасидир.

Камёб китоблар ҳақидаги гап очилса, бўлим ходимлари «Кутубхонамизнинг олтин фонди улар. Шундай адабиётлардан бирини ҳатто улуғ рус шоири А. С. Пушкин ҳам ўз қўлида тутиб ўқиган» дейишади. Бу гапга ишонаверинг!

Эътиборга моликлиги яна шундаки, буларнинг кўпига у ёки бу атоқли адиб, машҳур олим томонидан дастхатлар ёзиб қолдирилган. «Умумий тарих» китобини олиб кўринг. Тарихшунослар учун қимматли тарихий фактлар берадиган бу китоб немис олими Г. Вебер ижодига мансубдир.

Тўплам рус китобхонлари орасида ҳам тез тарқалди. Чунки, у босилиб чиққач, атоқли танқидчи Н. Г. Чернишевский китобни рус тилига таржима қилди.

Китоб титулида шундай дастхат бор. У Н. Г. Чернишевский қўли билан ёзилган. «Семен Моисеевич Поповга Н. Чернишевскийдан чуқур ҳурмат юзасидан тақдим этилади» деган сўзларни ўқиш мумкин. Худди ана шу дастхат битилган китоб ҳозир кутубхонанинг ноёб мероси бўлиб қолди.

Улуғ пролетар ёзувчиси М. Горький ўзи севган китобларидан бирини адиб М. М. Коцюбинскийга хадя этган эди. Ўқийликчи, ёзувчи нималар деб ёзади: «Михаил Михайлович Коцюбинскийга чуқур ҳурмат ва самимий муҳаббат юзасидан берилди.

М. ГОРЬКИЙ,
КАПРИ, 1910 ЙИЛ».

Дастхатли бу китоб ҳам нодир адабиётлар жавонидан ўрин олган.

Жавонлардаги шундай адабиётларни кўздан кечиришда давом этамиз. Улар анчагина. Ёзувчи Алексей Толстой ва Корней Чуковский, Ўрта Осиёни тадқиқ этган олимлардан Н. М. Пржевальский билан А. П. Федченколар қолдирган асарлар ҳам эътиборни ўзига жалб этади.

«Махабхарат» ҳинд эпоси жуда кўп китобхонларни ўзига мафтун этган. Қимматли асарнинг немисча нашри «Наль» деб номланади. Эпосдан парча ҳолида немис тилида босилиб чиққан бу китобчани машҳур немис олими Ф. Боппо таржима қилган эди. Шу китоб таржимони дастхати ёзилган бир нусхаси кутубхонага олиб келинган.

Хуллас, бўлимда сақланаётган китобларнинг ўзи бир дунё. Улар орасида олим Ломоносов томонидан асосий дарслик сифатида фойдаланилган арифметика китобидан тортиб, венгриялик ўлкашунос Вамбери дастхати ёзилиб, шу кутубхонага тақдим этилган бадиий асарларгача бор.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа камёб адабиётлар Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат халқ кутубхонаси китоб фондининг тарихий аҳамиятга эга бўлган асарлар хазинаси эканлигини яққол исботлаб турибди.

А. АЛИЕВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган француз артистлари 1 июндан бошлаб Свердлов номли концерт залида томошалар кўрсатмоқдалар. Меҳмонларимиз программасида оҳангдор ва нафис француз қўшиқлари ҳамда хилма-хил пантомима номерлари бор.

Пойтахт томошабинлари машҳур француз қўшиқчиси Пиа Коломбо ашулаларини завқ билан тингламоқдалар. (1-сурат). Пантомимачи артист Прадель уруш оловини ёқувчи диктатор ролини маҳорат билан ўйнайди. Суратда сиз уни шу қиёфада кўриб турибсиз (ўртада). Артистлар Франсуа Парро, Мишель Ортелен ва Клод де ла Кафинъерлар «Трио орас» группасини ташкил этганлар (пастда). Бу группанинг қувноқ номерлари санъат шинавандаларига манзур бўлмоқда. Меҳмонларимиз оркестрининг шўх музикалари ҳам тингловчилар қалбидан жой олмоқда.

А. Мансуров фотолари.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. Вьетнам халқ армиясининг ҳаво мудофааси қисмлари 1 июнда Ханой устида Америка Қўшма Штатларининг учувчисиз учадиган разведкачи самолётини уриб туширдилар.

Аниқланган маълумотларга кўра, Вьетнам Демократик Республикаси территорияси устида уриб туширилган АҚШ самолётларининг умумий сони 1989 тага етган. (ТАСС).

ЯНА БИР ИНГЛИЗ АВИАНОСЕЦИ ҚИЗИЛ ДЕНГИЗГА ЙЎЛ ОЛДИ

ЛОНДОН, 2 июнь. (ТАСС). Англиянинг «Альбион» авианосеци Қизил денгизга қараб сузиш тўғрисида буйруқ олди, деб хабар беради «Дейли телеграф» газетаси. Газетанинг ёзишича, авианосец Шотландия қирғоқлари яқинидаги ҳарбий машқни тўхтатиб, «Сувайшдан жануброқдаги инглиз қуролли кучларини мустаҳкамлаш учун» Яқин Шарқ районига йўл олди.

Газета Англия ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлиги шу ҳафта ичи ядро қуроли таший оладиган «Вулкан» типидаги бомбардимончи самолётлар группасини Мальта оролига юбормоқчи, деб хабар берди.

ИСРОИЛНИНГ ЯНГИ МУДОФАА МИНИСТРИ

ТЕЛЬ-АВИВ, 2 июнь. (ТАСС). Исроил радиосининг хабар беришича, ҳукуматнинг кеча бўлган мажлисида Рафи ва Гахал партияларининг вакиллари ҳисобига Исроил ҳукумати составини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Чунончи, Рафи партиясининг вакили генерал Даян мудофаа министри қилиб тайинланган.

Шундай қилиб, бундан буён Исроилнинг ҳарбий сиёсатини генерал Даян белгилаб беради. У 1956 йилги Сувайш танглиги даврида Исроил армияси бош штабининг бошлиғи бўлган эди.

АНГЛИЯ БОШ МИНИСТРИ КАНАДАГА КЕЛДИ

ОТТАВА, 2 июнь. (ТАСС). Англия Бош министри Гарольд Вильсон кеча Оттавага келди. Бу ерда эълон қилинишича, у Канада Бош министри Лестер Пирсон билан Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилади.

АФРИКАНИНГ марказидаги Убанги дарёси қирғоқларида ястаниб ётган қалин тропик ўрмонлар ўтмишда бабинга қабиласига мансуб бўлган пигмейлар учун бошпана бўлган. Айтишларига қараганда узоқ ўтмишда, инсоният маданияти тараққий эта бошлаган вақтларда Убанги ҳавзасининг бу қадимий аҳолиси ҳозирги Марказий Африка Республикасининг қарийб бутун территориясида яшаган. Бироқ кейинчалик ўзаро урушлар ва мустамлака босқинчилиги натижасида улар мамлакатнинг энг жанубига суриб ташланган. Ҳозир Убангининг паст бўйли одамларини Марказий Африка Республикасининг фақат икки жойида Лобай ва Санга префектураларида учратиш мумкин. Пигмейлар асосан тропик ўрмонларда кичик-кичик группаларга бўлиниб, бир неча онла бўлиб яшайдилар. Уларнинг асосий машғулоти овчилик ва ўсимлик йиғишдир. Суратда: пигмейлар қишлоғида.

В. Райкерус фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИДА

ФАН ВАН ДОНГНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ҚОҲИРА. «Биз барча талафотлар ва қийинчиликларга қарамай, курашни давом эттиришга тайёрмиз», деди Вьетнам Демократик Республикасининг Бош министри Фам Ван Донг Қоҳирада чиқадиган «Алжумҳурия» газетасининг мухбири билан суҳбатда.

Фам Ван Донг араб халқининг империалистлар ҳийла-найрангларига қарши курашини қатъий қўллаб-қувватлади.

КАМБОДЖА ВАКИЛИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК. Камбоджанинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакили Хоут Самбат Хавфсизлик Кенгаши раиси номига юборилган мактубда 30 апрель куни тунда Таиланд қуролли кучлари бўлинмалари Каукприш (Баттамбанг вилояти)да жойлашган «кхмер ҳарбий позицияларига ҳужум қилганлигини хабар беради. Ана шу ҳужум натижасида Камбоджанинг бир солдати ўлдирилди.

Камбоджа ҳукумати ана шу янги жиноий агрессив ҳаракат муносабати билан кескин норозилик билдирди ва Таиланд ҳукумати ана шундай иғвогарликларга дарҳол чек қўйиш учун чоралар кўриши зарур, деб талаб қилди.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ДОВУЛ

ЛОНДОН. Жанубий Африка Республикасидан олинган хабарларга кўра, Иоганнесбургдан 47 километр ғарбда жойлашган Рандфонтейн шаҳрида кучли довул бўлган. Кўпгина уйлар вайрон бўлган, минглаб киши жароҳатланган. (ТАСС).

«ТИНЧЛИК КОРПУСИ»ДАН ЖУНАБ ҚОЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

ДЕҲЛИ. Керала штати ҳукумати Ҳиндистон ҳукуматидан Американинг «тинчлик корпуси» кўнгиллиларини штатдан чақириб олишни талаб қилди. Ҳиндистон Бош министрининг ўринбосари Десаининг халқ палатасида айтишича, ҳозир «тинчлик корпуси» аъзоларининг бундан кейин Кералада қолиш ёки қолмаслиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

ВЕРТОЛЁТЛАР АТЛАНТИКА ОРҚАЛИ УЧИБ ЎТДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Американинг икки вертолёти тарихда биринчи марта Атлантик океан орқали 4270 миля масофани 30 соат 48 минутда тўхтамасдан учиб ўтди. Нью-Йоркдан Парижга учиш вақтида махсус «С-130» самолёти вертолётларни тўққиз марта ёнилғи билан таъминлади.

Вертолётларнинг бу учиши Парижда очилган аэронавтика ва космосга бағишланган XXVII Халқаро салонда АҚШ қатнашиши муносабати билан ўтказилди. (ТАСС).

ШАРҚИЙ НИГЕРИЯДА ЯНГИ МИНИСТРЛИКЛАР

ПАРИЖ, 2 июнь. (ТАСС). Ўзини мустақил Биафра Республикаси деб эълон қилган Шарқий Нигерия ҳарбий ҳукуматининг бошлиғи подполковник Одумегву Оджукву кеча бешта янги министрлик тузилганлигини эълон қилди.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг Котонудан хабар беришига кўра, янги тузилган министрликлардан бири ташқи ишлар ва миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан алоқа министрлигидир. Шунингдек мудофаа, ички ишлар, транспорт ва коммуникация, энергетика ва минерал ресурслар министрликлари таъсис этилади.

Оджуквунинг баёнотида полиция департаменти бевосита Шарқий Нигерия ҳукуматига бўйсунади, дейилади.

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

ВАШИНГТОН, 2 июнь. (ТАСС). АҚШ давлат департаменти кеча Яқин Шарқдаги танглликка нисбатан Америка сиёсати тўғрисида баёнот берди. Матбуот конференциясида давлат департаментининг расмий вакили Р. Макклоски ўқиб берган бу баёнотда АҚШ яқинда Англия Ташқи ишлар министри Ж. Браун бошлаган ташаббусни батамом қўллаб-қувватлайди, дейилади. Англия таклифининг маъноси Бирлашган Араб Республикасига қарши ғарб денгиз давлатлари блокини тузишдан иборат.

Макклоски АҚШ ва Англиянинг Яқин Шарқдаги иғвогарлик ҳаракатларини БМТ байроғи билан ниқоблашга уриниб, бу ҳаракатлар танглликни «ҳарбий ҳаракатларсиз» бартараф этиш юзасидан «БМТ да АҚШ сарфлаётган куч-ғайратларнинг бир қисмидир» деб ишонтирмоқчи бўлди.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ДЕНГИЗ ЁНҒИНИ

Ҳинд океанида сузаётган «Витязь» экспедиция кемасидаги олимлар биолюминесценцияси активлашган районларни топдилар. Бир неча квадрат километр сатҳдаги денгиз суви кўкимтир ва оқ шуъла сочиб товланарди. «Витязь» шуълаланувчи океан сувининг икки кенг полосасини кесиб ўтди. Бу полосалар неча ўнлаб километрга чўзилган ва бир-бирларига параллел кетган эди. Мутахассисларнинг айтишича, шуълаланиш шундай тури биринчи марта қайд этилган.

«Витязь»да ишлаётган биологлар «денгиз ёнғинини» вужудга келтирувчи организмларни ўрганиш билан шуғулландилар. Бу организмлар «Витязь»га сим арқон билан боғлаб қўйилган чоғроқ қайиққа тушиб кузатиб борилди. Натижада жуда қизиқ коллекциялар тўпланди.

БОШИГА «ҲАНЖАР» СУҚИЛГАН АКУЛА

Приморье ўлкасидаги «Ленинский луч» балиқ овлаш базасининг балиқчилари тутган акуланинг бошида ҳанжар балиқнинг «ҳанжари» чиқиб турарди. Ҳанжар балиқнинг зарбаси аниқ бўлмай, нишонга бориб тегмаган. Акула «ҳанжарни» синдириб жўнаб қолган.

Жанубий денгизларнинг йиртқичи акула ҳамиша ҳужумкор бўлишига қарамай, баъзида ўзи ҳам бошқа йиртқичларнинг ҳужумига учраб қолади. Ҳанжар балиқ акуланинг энг хавфли душманларидан биридир. Бу балиқ шохли «ҳанжари» — калласининг олдинга чўзилиб чиққан қисми билан (бу бир метргача ва ундан ҳам ортиқ бўлади) қақшатғич зарбалар беради. Бунда балиқ ўлжасини «тил торттирмай» ўлдирмоқ учун қоқ калласини нишонга олади.

(ТАСС мухбири).

КОЛХОЗГА ЧОПАР КЕЛДИ

Идора ёнига машина келиб тўхтади. Ундан шошилиб бир йигит тушди-да идорага отилди. Йўлда учраган одамлар билан салом-алик ҳам қилмай раис кабинетига юзланди. Ичкарига кириб раис, унинг ёнида ўтирган одамлар билан сўрашмай туриб пулеметдан ўқ отилгандай бидирлаб гапира кетди:

— Бугун соат иккида райком бюроси бўлади. Раис, партком, инженер албатта етиб боринглар...

У қандай шошилиб кирган бўлса, яна шундай тезлик билан ташқарига югурди. Унинг қораси кўриниши заҳоти шофер машинани ўт олдириб унга кўндаланг қилди...

— Ким бўлдикин, бу йигит. Намунча ҳовлиқиб шошилмаса? Бу саволга идора эшигида ўтирган мўйсафид жавоб берди.

— Райондан келган чопар. Қадимги замонда чопарлар отда юрарди, ҳозир техника замони бўлганидан машина миниб олган...

— Нима, колхоз билан район ўртасида телефон йўқми?

— Нега йўқ бўларкан, бор. Лекин доим чопар келиб кетади.

Ҳангоманинг бу томони колхоз раиси Кибор Мамедов билан гаплашилгач ойдинлашди. Телефон сими райондан колхозга тортилган. Аппаратлар ҳам бири кўк, бири қизил, бири оқ, жуда чиройли. Аммо гаплашиб бўлмайди. Телефон жиринглайди, трубкани оласиз. Алло, алло, дейсиз. У томондан овоз эшитилмайди.

ФЕЛЬЕТОНЧИ ЛУҚМАСИ

Телефон симига бир нарса тиқилиб қолганмикан, деб бешолти марта бўлиб-бўлиб узоқ пуфланади, барибир фойдаси йўқ.

Бу ҳақда район алоқа бўлимига хабар қилинади, телефон орқали эмас, бориб келинади. У ердаги ўртоқлар, «сиз кетаверинг, борганингизгача қадар боплаб тузатиб қўямиз», дейишади. Келасиз, телефон қиласиз. Яна ўша. Тўхтаб-тўхтаб узоқ пуфлаш давом этади, томоқларингиз қирилиб кетади, ё бир оғиз гап айта оласиз ёки бир оғиз сўз эшита оласиз...

Шу сабабли райондан колхозга, колхоздан районга борадиган чопар қўйилган. У отда эмас, техника замони эмасми, машинада юради.

Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозидан энди район алоқа бўлимига ҳам битта чопар ажратилмоқчи. Шунда алоқа бўлимининг бошлиғи Белов ва унинг телефон ишлари бўйича ўринбосари Юнусов ўртоқлар «Интернационал» колхози билан машаққат чекиб телефонда эмас, чопар орқали бемалол гаплашадиган бўладилар.

Ёки бизнинг сўзимиз нотўғрими?

С. МАҲКАМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 ИЮНДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
(3-канал)

Рус тилида: 10.55—Эшиттиришлар программаси, 11.00—Мультфильм, 11.20 Концерт (музика мактаби ўқувчилари ижросида), 11.50—Боганч (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 13.10—Кинофильм (болалар учун), 13.20—Салом, пионер ёзи, 13.40—Минскдаги уйча (хужжатли фильм), 13.50—Абдулла Набиев (Сирдарё область, Жиззах шаҳар педагогика техникуми бадиий ҳаваскорларининг спектакли). 16.55—Эшиттиришлар программаси, 17.00—Улар бахтимиз учун курашганлар (болалар учун), 17.50—Ўрик дарахти (болалар учун мультфильм), 18.10—Телевизион янгиликлар, 18.25—Ғазалхон ёшлигим («Ешлик» студияси), 19.25 Уйғун. Севги қўшиқлари.

Рус тилида: 19.45—Телевизион янгиликлар, 20.00—Эстрада концерти, 20.30—Аршин мололон (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 22.00—Концерт (Марғилон шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
(5-канал)

10.55—Эшиттиришлар программаси, 11.00—Математика. Функция ва графиклар (рус тилида), 12.05—Физика. Айланма ҳаракат (олий ўқув юртига кирувчилар учун ўқув программаси).

13.00 дан—Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
(9-канал)

18.00 дан—Фрунзе телестудияси кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—4/VI да Улимдан кучли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—4/VI да Гавҳари шамчироқ, 5/VI да Тошболта ошиқ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» кеч соат 6 ва 9 да).

Кундузги сеансга иккита билет —НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2, 4, ва кеч 8 да), «МИР» (кундуз 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Ўқ —«ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Бригададаги афсунгар—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уч бақалоқ—«МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 10 да).

Лалварлик овчи — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Бубе қайлиғи—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 9-45 минутда).

Юпқа муз устидан—«ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Уларни афтидан танирдилар—«УДАРНИК».

Ғазаб—«1 МАЙ».

Кундузги сеансга иккита билет — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ўқ—«ХИВА».

Дарбадарлар — «ВАТАН».

Чукотка бошлиғи — ТЕЛЬМАН номли.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
5, 6 июнда

Ўзбекистон давлат филармониясининг солисткаси

Олмахон Ҳайитова

иштирокида

Хоразм ансамблининг концерти

Концертда: Раъно Жуманиёзова, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Отаназар Абдалниёзов, Ражаб Исмоилов ва бошқалар қатнашади.

Касса кундуз соат 2 дан очиқ.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

1967 йил 15 июнь кундуз соат 2 да. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ижтимоий фанлар бўйича илмий совет мажлисида (К. Маркс кўчаси, 32-уй, 36-аудитория) тарих фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун

А. Ю. Зуфаров «КПССнинг мамлакатни социалистик индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришни тайёрлаш учун кураши даврида Ўзбекистон Коммунистик партияси» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 04363.
Индекс 64970
А. — 1873.